


№4



OAK



ТДИУ



ЎзР ТРВ



2023 йил 9 апрель – Соҳибқирон
Амир Темур таваллудининг
687 йиллиги

YalT jurnali, 2023 yil, 30-aprel. № 4-son.



SHIL
IQTISODIYOT
VA TARAQQIYOT



Ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop oylik jurnal



АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ РОЛИ

**Жоллыбеков Владимир Бахтиярович,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институты мустақил изланувчиси**

Аннотация: мақолада қишлоқ хўжалигида агротехнологияларни молиялаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг таҳлиллари келтирилган. Агротехнологияларни молиялаштиришдаги муаммоларни тижорат банк кредитлари орқали бартараф этиш механизмлари тавсифланган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, инновация, агротехника ва агротехнология, тижорат банки, кредитлаш, молиялаштириш, банк rischi, маркетинг, модернизация.

Abstract: The article presents an analysis of existing problems in financing agrotechnologies in agriculture. Mechanisms for solving problems in financing agrotechnologies through commercial bank loans are described.

Key words: agriculture, innovation, agrotechnics and agrotechnology, commercial banking, lending, financing, banking risk, marketing, modernization.

Аннотация: В статье представлен анализ существующих проблем финансирования агротехнологий в сельском хозяйстве. Описаны механизмы решения проблем финансирования агротехнологий за счет кредитов коммерческих банков.

Ключевые слова: сельское хозяйство, инновации, агротехника и агротехнологии, коммерческий банкинг, кредитование, финансирование, банковский риск, маркетинг, модернизация.

Кириш

Дунёда аксарият давлатларнинг энг муҳим узоқ муддатли мақсадларидан бири бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишсизликни камайтириш ҳамда бандлик даражасини ошириш, барқарор нархларни шакллантириш ва мамлакат аҳолисининг даромадларини ошириш ҳисобланади. Бугунги глобаллашув шароитида ушбу мақсадларга сармояни янги агротехника ва агротехнологияларга, қишлоқ хўжалигини бошқариш, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат қилишни янги агротехника ва технологиялар асосида ташкил этиш ёрдамида эришилиши мумкин.

Республикамызда қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилган. Шу билан бирга ўринда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштиришда рақамли технологияларнинг ролини ошириш борасида долзарб муаммолар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг замонавий агротехнологик асослари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда, жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган даврда банк хизмати турларини замонавий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ қилиш каби масалаларга эътибор кучайиб бормоқда. Бу соҳада банк хизмати турларини самарали бошқаришнинг замонавий интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамли технологияларни қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро интеграциясини самарали равишда амалга ошириш методикасини такомиллаштириш масалалари асосий вазифалардан ҳисобланади. Рақамли технология ва инновацияларнинг кенг ривожланиши тижорат банклари томонидан хизмат турлари ахборот тизимларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.



Ўзбекистонда ҳам банклар хизмат турларини ривожлантириш хусусан, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Жумладан, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги агротехнологиялар банк хизматлари бозорида катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги «Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари» доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар¹, 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сон қарорлари ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган муҳим вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола маълум даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, агротехник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришга янги инновацион технологияларни татбиқ этишда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлар ажратилишига эҳтиёж юқори ҳисобланади, шу сабабли, тижорат банклари фаолиятида узоқ муддатли кредитлар ва инвестициялар билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва уларни бошқариш долзарб масалалардан биридир. Мамлакат иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, яъни қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бугунги кунда тижорат банкларининг фаоллигини ошириш зарурлигини тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодчи олим Н.Симонянц тижорат банкларининг инвестицион фаолияти сифатида «универсал ва ихтисослашган тижорат банкларининг кредит ва улуш асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, бирламчи бозорда қимматли қўғозларнинг эмиссиясини ташкил этиш ва жойлаштиришга, активларни бошқаришга, инвестицион компанияларни бошқаришга, кўчмас мулк билан битимларни амалга оширишга, консалтинг таҳлилий ва брокер дилерлик операцияларига қаратилган фаолиятни эътироф этади».²

А.Наряна томонидан олиб борилган тадқиқотларда тижорат банклари инвестицион фаолиятида рискменежмент жараёнлари қуйидаги босқичларда амалга оширилиши келтириб ўтилган:

► рискнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш; риск билан боғлиқ йўқотишларни баҳолаш ва ҳисоблаш;

► рискларни бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, рискни бошқариш билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг ваколати орқали рискни камайтириш;

► рискларни бошқариш бўйича тақдим этилган ҳисоботларнинг белгиланган мезон ва қоидаларга мувофиқ тайёрланганлигини назорат қилиш, риск даражасига қараб даромад олиш (юқори риск юқори даромад, кам риск кам даромад);

► риск билан даромадни мувофиқлаштириш.³

Иқтисодчи олим О.И.Лаврушиннинг фикрича, банклар иқтисодиётнинг ўзига хос «қон томири» бўлиб, уларсиз замонавий хўжалик механизмини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу тизимда турли хўжалик субъектлари, давлат корхоналари, чет эл инвесторларининг пул ресурслари муомалада бўлади.⁴

О.В.Саввина ўзининг тадқиқотида халқаро молиявий ташкилотлар, уларнинг фаолияти ва

¹Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқиб инфографика шаклида» РИСОЛА. <https://mdo.uz/wp-content/uploads/2021/11/risola.pdf>

²Манба <https://ru.wikipedia.org/wiki> – расмий сайт маълумотлари.

³Манба <https://ru.abcdef.wiki/wiki/Narayana> – расмий сайт маълумотлари.

⁴Манба: <https://housecomputer.ru/business/finances/bank/books/> - расмий сайт маълумотлари.



иқтисодиётдаги ўрни, В.А.Слепова ва Е.А.Звоновойлар халқаро молиявий бозорлар бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Маҳаллий иқтисодчи олимлардан С.С.Ғуломов, И.И.Алимов, А.Хусанбоев ва О.Ю.Рашидов ўз тадқиқотларида банкларнинг фаолияти, уларда кредит бериш тартиби, унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича иш олиб борганлар. Д.Исмаилов ўз тадқиқотларида тижорат банкларининг инвестицияларни молиялаш усуллариини рискни камайтириш орқали янада такомиллаштириш борасида «илмий янгилик ва кашфиётларга асосланган юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш одатда юқори даражадаги рискларга эга бўлганлиги сабабли, шунингдек, республикамызда венчурли молиялашга талаб юқори бўлиб, ушбу рискли инвестициялаш усули ривожланмаганлиги туфайли мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун хорижий венчур фондларини фаол жалб этиш зарур» эканлигини таъкидлайди.⁵

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштириш тизим сифатида хорижлик ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий ва амалий хулосалар шакллантирилган.

О.Ястребова ва А.Субботинларнинг тадқиқотларига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналар молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасалари молиявий хизматларидан, шу жумладан, микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.⁶

Фикримизча, юқоридаги хулоса Ўзбекистон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Республикамызда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларни банкларнинг молиявий ва микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда, деб ҳисоблаймиз.

И.Петренко ва П.Чуженовларнинг тадқиқотларида, қишлоқ хўжалигининг қатор ўзига хос хусусиятларга (табиий иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш циклининг муддати) эгалиги сабабли қишлоқ хўжалиги кредит бозори узлуксиз фаолият олиб бераолмайди. Бу эса ўз навбатида, давлат олдида ушбу соҳани назорат қилиб туриш муаммосини келтириб чиқаради. Сўзсиз, қишлоқ хўжалиги давлатнинг тўғридан-тўғри дотациялар, имтиёзли кредитлар шаклида фаол молиявий қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан кредитланиши кўпинча кутилган натижаларни бермаяпти, бу каби кредитларнинг қайтарилиш даражаси эса пастлигича қолмоқда, молиявий муассасалар эса ушбу жараёнларда молиявий маблағлар кузатувчиси сифатида қолишмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалигига ажратиладиган чекланган давлат маблағлари аграр секторнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди.⁷

К.Пиплз томонидан амалга оширилган таҳлилларнинг натижаси кўрсатадики, банклар томонидан фермер хўжаликлари тақдим этиладиган узоқ муддатли инвестицион кредитларни бериш жараёни, уларнинг фоиз ставкалари давлат томонидан тартибга солиб турилиши зарур.⁸

Қ.Тошматов қишлоқ хўжалигини банклар томонидан кредитлаш масаласини тадқиқ қилган ва тадқиқот натижалари асосида шундай хулосага келади: «давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва ғалла ҳосилидан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш учун фермер хўжаликлари зарур бўлган айланма маблағлари ва асосий воситаларни самарали кредитлаш тизимини яратиш ва аста-секин давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитланаётган фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри тижорат банкларининг махсус ҳисобрақамларидан очиладиган кредит линияси орқали имтиёзли кредитлашга ўтказиш зарур».⁹

Аммо ҳозирги даврда фермер хўжаликлари давлат маблағлари ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ўз рентабеллигини таъминлаб турибди. Бунинг устига, тижорат банкларида имтиёзли кредитлар бериш учун зарур бўлган арзон ресурслар мавжуд эмас.

Рақамли иқтисодиёт, рақамли агротехнология терминида қатор маҳаллий иқтисодчи

⁵ Манба <https://ru.abcdef.wiki/> – расмий сайт маълумотлари.

⁶ Манба <https://ru.wikipedia.org/> – расмий сайт маълумотлари.

⁷ Манба <https://ru.abcdef.wiki/> – расмий сайт маълумотлари.

⁸ Манба <https://ru.wikipedia.org/wiki> – расмий сайт маълумотлари.

⁹ Манба: <https://asiaplustj.info/news/life/person> - расмий сайт маълумотлари.



олимлар томонидан ҳам таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодчи олим Умаров «Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади», деб таъриф берган.¹⁰

Фикримизча, рақамли иқтисодиёт, рақамли агротехнология бу – алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. «Рақамли» атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда иқтисодий билимлар шаклланаётган шароитлардаги инновацион технологиялар иқтисодий ўсишни таъминлаб берувчи асосий омил саналади. Бундан эса шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳудуддаги инновацион технологик фаолият қанчалар фаол ва жадал бўлса, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам шунчалар юқори бўлади. Инновацияли ўзгаришларни қўллабқувватламай ва амалга оширмай, ушбу вазифани, айниқса, узоқ муддатли истиқболда таъминлаб бериш жуда мураккаблиги барчага маълум.

Инновацион агротехнология фаолиятини барча поғоналарда рағбатлантириш юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқиш заруратини алоҳида таъкидлаш жоиз, айнан мана шундагина инновацион технологик фаолият соҳасида муайян натижаларга эришиш мумкин. Г.Х.Розиқованинг таъкидлашича, «Инновацияларни ривожлантириш учун мақбул шароитларнинг яратилиши технологик базани модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш имконини беради».¹¹

Тадқиқот методологияс

Тадқиқот иш жараёнида эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, иқтисодий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат ушбу йўналишдаги корхоналарда ишлатиладиган агротехника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобни ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Инновацион маҳсулотлар, ишланмалар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 2013 йилдан 2021 йилга қадар 7,5 баробарга кўпайиб, 289 тадан 2171 тага етди. Жумладан биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишланмалар, хизматларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган қишлоқ хўжалигидаги корхоналар сони 1010 тага кўпайди.¹²

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштириш амалиёти қатор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Мазкур хусусиятлар, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳасининг хусусиятлари билан боғлиқдир. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасига хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ▶ капиталнинг секин айланиши;
- ▶ соҳанинг об-ҳавога боғлиқлиги;
- ▶ сув тошқини, жала, дўл, қурғоқчилик каби табиий офатларнинг юз бериши;
- ▶ инвестицион жозибadorликнинг нисбатан паст эканлиги;
- ▶ рентабеллик даражасининг паст эканлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган хусусиятлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштириш жараёнини, шу жумладан, уларга молиявий хизматлар кўрсатиш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш заруратини юзага келтиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштиришнинг иккинчи муҳим хусусияти бўлиб, уларга кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг кичик суммада эканлиги ҳисобланади.

¹⁰Манба: <https://asiaplustj.info/news/> - расмий сайт маълумотлари.

¹¹Манба <https://ru.abcdef.wiki/> – расмий сайт маълумотлари.


¹²Манба: <https://stat.uz/> - расмий сайт маълумотлари.



Масалан, АҚШда «504» дастури бўйича амалда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қўзғалмас мулк, агротехника ва технологиялар сотиб олиш учун 10 йилдан 20 йилгача муддатга бўлган узоқ муддатли кредит берилади. Ушбу кредитнинг миқдори 1 млн. АҚШ долларидан ошмаслиги керак.

Худди шундай ҳолатни Ўзбекистон Республикаси амалиётида ҳам кўриш мумкин.

2013 йилда қишлоқ хўжалигидаги инновацион технологияларни асосан ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7%) молиялаштирилган. 2017 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55,4%) ошган. 2021 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2013 йилга нисбатан 16,4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин.¹³



1-расм. Инновацион технологияларнинг молиялаштириш манбалари, 2021 йил ҳолатига, фоизда¹⁴

2021 йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларнинг 71,0%и (2956,0 млрд. сўм) ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 19,2%и (799,1 млрд. сўм) хорижий капитал, 2,1%и (88,4 млрд. сўм) тижорат банклари, 7,7%и (318,8 млрд. сўм) бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган (1-расм).

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, корхоналарга янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун маблағлар асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, бу эса корхона таъсисчилари, яъни эгалари (акциядорларга) фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолат эса қишлоқ хўжалигидаги фуқароларнинг корхоналар очишига бўлган қизиқишларини бирмунча камайитиришга олиб келиши мумкин. Бу борада иқтисодчи олим А.Смит шундай деган: «Ҳар бир киши ўз капиталини кўпроқ қиймат келтирадиган тарзда ишлатишга ҳаракат қилади. Одатда у жамият фойдасига таъсир кўрсатишни назарда тутмайди ва унга қанча таъсир кўрсатаётганини сезмайди. У фақат ўз манфаатини назарда тутаяди, фақат ўз фойдасини кўзлайди. Шундай бўлсада, бундай шароитда кўринмас кул уни мақсад сари йўналтиради,

¹³ Манба: <https://stat.uz/> - расмий сайт маълумотлари.

¹⁴ <https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya2021uz.pdf>



гарчи бундай мақсад унинг режасига кирмаган бўлса ҳам. У атайлаб жамиятга хизмат қилгандан кўра, ўз манфаатларини кўзлаб иш юритган ҳолда унинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилиб туради».¹⁵ Ушбу ғояни инобатга олган Ҳолда шундай фикрлаш мумкинки, жамиятда фуқаролар корхона ташкил қилишга сарфланган маблағ ҳисобидан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам корхоналар йил давомида олган фойдасидан имкон қадар кўпроқ акция эгаларига ажратиб, корхоналарни модернизациялаш жараёни, яъни ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни тижорат банкларининг инвестицион фаолияти орқали амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини бузади, яқка тартибдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат орасида рақобат ва рақобатбардошликни оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади. Бунга Mc Kinsey Глобал институти (2015) ҳисоботида келтирилган маълумотларга асосланиб, охириги 20 йил давом этган ўсишдан сўнг, жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi товарлар, хизматлар ва молларнинг аъъанавий оқимлари улуши 2007 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилда 39 фоизгача камайганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 2005 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда трансчегаравий маълумотлар алмашинуви ҳажми 45 баробар ошди. 2014 йилдан бошлаб жаҳонда товарлар савдосининг қарийб 12 фоизи халқаро электрон тижорат орқали амалга оширилиб келинмоқда.¹⁶

«The Boston Consulting Group» (2016) маълумотларига кўра, Хитойдаги электрон тижоратни ривожлантиришнинг юқори даражаси эътиборни тортмоқда. Бунда Хитойнинг электрон тижорат айланмаси 18 миллиард долларни ташкил этиб, ушбу даврда хитойлик истеъмолчилар интернет сотиб олиш учун тахминан 750 миллиард доллар сарфлайдилар, бу АҚШ ва Буюк Британия кўрсаткичларини бирга қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Умуман, Хитой Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йил охиригача мамлакатнинг халқаро электрон тижоратдаги улуши 39,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатда 2016-2020 йилларда қабул қилинган «Тармоқни ривожлантириш дастури»га мувофиқ, электрон тижорат ҳажми 5 йил ичида 5,8 трлн. АҚШ доллариға етди. «McKinsey & Company» (2016) институтининг тахминларига кўра 2025 йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача ошишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган ҳаражатлар 1,6-2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.¹⁷

Дунё тараққиётида рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, техник трансформацион жараёнларнинг молиявий секторларга кенг татбиқ этилиши банк тизимлари, тўлов операциялари, кредитлаш ва бошқа шу турдаги хизматлар самарадорлигини янада оширмоқда. Молиявий хизматларни яхшилайдиган ва оптималлаштирадиган бу хилдаги технологиялар – «Финтех» (инг. «Fin Tech») номи билан юритилувчи молиявий технологиялар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда банклар ролининг ошиши уларни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Россияда Россельхозбанк, Ўзбекистонда Агробанк ва Микрокредитбанк, Германияда Райффайзенбанк қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига молиявий хизмат кўрсатишда асосий ўринни эгаллайди.

Шуниси эътиборга лойиқки, Россельхозбанк қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитнинг асосий қарз суммасини ҳам, фоиз ставкасини ҳам бонификация қилади. Германиянинг Райффайзенбанки эса, фермерларга берилган кредитларнинг фақат фоиз ставкасини бонификация қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларни бонификация қилишнинг зарурлиги уларнинг тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги сабабли, бошқа банкларнинг қишлоқ хўжалигини кредитлашдан манфаатдор эмаслиги билан изоҳланади.

Россияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг 70 фоиздан ортиқ қисми икки банкнинг – Россельхозбанк ва Сбербанкнинг ҳиссасига тўғри келади. Шундан ҳам билса бўлади-ки, бошқа тижорат банклари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдор эмас.

¹⁵ Манба <https://ru.abcdef.wiki/> – расмий сайт маълумотлари.

¹⁶ Манба: <https://www.mckinsey.com/> - расмий сайт маълумотлари..

¹⁷ Манба: <https://www.mckinsey.com/> - расмий сайт маълумотлари.



Банкларнинг қишлоқ хўжалигида агротехнологияларни молиялаштириш фаолияти объекти – иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаридаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ёки модернизациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш ҳамда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини харид қилиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалардир. Шунинг таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси ходимлари томонидан корхоналар ўртасида инновацион фаолият борасида ҳар йили бир марта анкета сўровномалари ўтказилади. Ушбу сўровномаларнинг натижаларига кўра кичик саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришга қуйидаги муаммолар тўсқинлик қилаётганлиги маълум бўлди.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги кичик корхоналарда замонавий қимматбаҳо ускуналарни харид қилиш учун етарли маблағлар йўқлиги, маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги ҳамда инновацион технологиялар нархининг юқорилиги.

Иккинчидан, инновацион инфратузилмаларни ташкил этиш, инновацион технологик маҳсулотларни яратиш учун тадқиқот ўтказиш, патентлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга кўп маблағлар талаб этилаётганлиги.

Учинчидан, инновацион технологияларнинг ўзини узоқ вақтдан кейин қопланиши, маркетинг ва менежмент ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлиги, янги технологиялар ҳақида ахборотнинг етишмаслиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун инновацион технологиялар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банк кредитларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Инновацион технологиялар соҳасига капитал қўйилмаларнинг манбалари турлича бўлиши мумкин: давлат тузилмалари, тижорат банклари, халқаро фирмалар ва ташкилотлар, жисмоний шахслар ва ҳ.к. Инновацион технологиялар фаоллигини ошириш учун энг қулай маблағлар банк ва бошқа ихтисослаштирилган молиявий ташкилотларнинг мақсадли кредитлари ҳисобланади, чунки ушбу маблағлар имтиёзли шартлар билан берилади. Ҳамда инвестицион технологияларнинг асосий манбайи сифатида фойданинг бир қисми ва амортизацион ажратмалардан ташкил топадиган корхонанинг ўз маблағлари ҳисобланади. Ушбу маблағлар бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали ишлашига боғлиқ.

Юқорида келтирилган муаммолардан бири инновацион технологияларга кетган маблағларни қоплаш учун узоқ вақт талаб қилиниши, бу эса тижорат банклари томонидан инвестицион кредитларнинг ҳам узоқ муддатга ажратилишига олиб келади. Бугунги кунда тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятига салбий таъсир қиладиган муаммоларидан бири мамлакатимиз тижорат банкларида миллий валютадаги ресурслар ҳажмида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслигидир.

Ўзбекистон тижорат банклари кредит қўйилмаларини муддатлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, тижорат банкларининг умумий кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитларнинг улуши анча юқори даражада эканлигини кузатиш мумкин. 2014 йилда жами кредит портфелининг 87 фоиздан ортиқ қисми узоқ муддатли кредитлар улушига тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 90 фоизгача кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ресурслар асосан, мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларини модернизация қилиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз тижорат банкларида миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитлар таҳлилини кузатадиган бўлсак 2021 йил давомида миллий валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ҳисобига жами кредит қўйилмалари таркибида чет эл валютасида ажратилган кредитлар улуши 50 фоиздан ошганлигини кўришимиз мумкин, ушбу кўрсаткичлар МДҲ давлатларидаги кўрсаткичларга нисбатан анча юқори бўлиб, бу ўз навбатида кредитларнинг қайтиш хатарини ва муаммоли кредитларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш хусусидаги илмий- назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан, шу жумладан, молиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишда қийинчиликлар туғдириши хусусидаги хулоса республикамиз учун муҳим амалий аҳамият касб этади;



иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги давлатнинг ушбу жараёнга аралашувини зарурий ҳолатга айлантиради;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги уларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади;

тўртинчидан, тижорат банкларида имтиёзли кредитлар бериш учун зарур бўлган арзон ресурсларнинг мавжуд эмаслиги туфайли қишлоқ кредит кооперативларини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини ташкил этиш мақсадида банклар томонидан берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация (давлат томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаш) қилиш каби илмий-назарий қарашлар амалий аҳамият касб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит қўйилмаларининг муддатлари бўйича тақсимланиши¹⁸

Йиллар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Миқдорлари бўйича, трлн. сўм								
Ажратилган кредитлар	34,5	42,7	53,4	110,6	167,4	210,1	275,3	324,7
Муддатлари бўйича, (қисқа муддатли) трлн. сўм								
Қисқа муддатли	4,49	12,11	4,29	4,76	8,67	17,95	28,24	33,3
Шундан, фоизда								
Миллий валютада	60,96	67,76	57,21	37,74	44,13	64,6	59,8	50,4
Хорижий валютада	39,04	32,24	42,79	62,26	55,87	35,4	40,2	49,6
Муддатлари бўйича, (узоқ муддатли) трлн. сўм								
Узоқ муддатли	30,01	30,59	49,11	105,84	158,73	192,15	247,06	291,4
Шундан, фоизда								
Миллий валютада	59,75	65,52	58,12	42,14	48,51	98,7	121,6	49,4
Хорижий валютада	40,25	34,48	41,88	57,86	51,49	93,4	125,4	50,6

Ўзбекистон тижорат банкларининг жаҳон банклари билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бир томондан интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий АКТдан фойдаланишни тақозо этса, иккинчидан, бизнес трансформациясини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби ҳисобланади. Рақамли

¹⁸Манба: <http://cbu.uz//> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



иқтисодиёт ва технологиялар коррупция ҳамда «қора иқтисодиёт»нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар қўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада «ифлос пулларни» ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда рақамли технологияларнинг ўрни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Матёкубова Д.О. Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва мониторингини ташкил этиш хусусиятлари. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2017, №4.
2. Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. Т.:, 2018.
3. Инновацион хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишдаги таъсири. Монография. Т.: "Lesson press", 2017.
4. Исломов А., Эгамов Э. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: "Ўзбекистон", 2003.
5. Ташматов Р.Х. Инновацион ривожланиш: муаммо ва ечимлар. Т.: "Lesson press", 2017.
6. Камилова И.Х. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари инвестицион кредитларининг ролини ошириш. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, 2017, №4.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. (www.cbu.uz).
8. Norov, A. R. ., Yuldashev, J. A. ., Sattorova, N. G. qizi ., Turgunova, K. S. kizi ., & Ibragimov, I. K. . (2022). The Role of the Foreign Exchange Market in Ensuring the Stability of the National Currency in the Country. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 6, 20-27. Retrieved from <http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/207>
9. Abidova Dilfuza Igamberdievna. (2021). Promising measures for the development of sustainable tourism in the context of the COVID-19 pandemic. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 4, 1–6. Retrieved from <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/33>
10. Norov, A. R. ., Haydarov, O. A. ., Saipnazarov, S. S. ., & Saidaxmedova, A. M. . (2022). Mechanisms to Ensure the Stability of the National Currency in the Republic of Uzbekistan. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 5, 393-400. Retrieved from <http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/157>



МУНАДАРИЖА

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси.....	2
Қўнғиротбой Шарипов, т.ф.д. проф. ТДИУ ректори	
Тараққиёт муаммоларида институционал ечим.....	4
Абдурахманова Гулнора Қаландаровна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.	
Истикболли яшил йўлаклар.....	12
Калонов Муҳиддин Баҳриддинович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.	
Ўзбекистонда ипакчилик саноатини ривожлантириш тенденциялари.....	16
Жумаев Олимжон Садуллоевич, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бошқарув раиси, мустақил адқиқотчи.	
Блокчейн дастурларини иқтисодиётимизга кен қўллаш зарурати.....	24
Махмудова Зохида Мақсудали қизи, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети 2-босқич талабаси. Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Н.Ғ.Каримов	
Сув ресурсларини асрашнинг «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси билан уйғунлиги.....	29
Ҳакимов Назар Ҳакимович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети фалсафа фанлари доктори, профессор.	
«Зеленая экономика» в Узбекистане: взаимосвязи, проблемы и пути решения.....	38
Беркинов Б.Б., ТГЭУ, Академик Международной Академии информатизации, доктор экономических наук, профессор.	
Неделькина Н.И., ТГЭУ, старший научный сотрудник.	
Кредитлаш рискинни бошқаришнинг назарий-амалий метадологияси.....	46
Мирзоев Феруз Мамуржонович, Тошкент кимё халқаро университети мустақил изланувчиси.	
Дунёда рекламанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	55
Самадов Асқаржон Нишонович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор.	
Тўқимачилик кластерлари: инновацион ривожланиш тенденциялари.....	62
Ҳакимов Зиёдулла Аҳмадович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD.	



<u>Кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятини оширишда воситачи экспорт ташкилотларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги</u>	73
Носирова Наргиза Жамолiddин қизи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети и.ф.ф.д.(PhD), доцент.	
<u>Ерлардан фойдаланишда солиқларнинг аҳамияти ва натижадорлиги</u>	86
Турсунов Акмалжон Абдурашидович, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари	
<u>Меҳнат интенсивлигини аниқлашнинг методологик асослари ва кўрсаткичлари</u>	91
Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети и.ф.ф.доктори (PhD), доцент.	
<u>Кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятини тартибга солишнинг институционал асослари</u>	99
Ишонқулов Низомжон Файзуллаевич, Тошкент молия институти илмий тадқиқотчиси.	
<u>Информационно-коммуникационные технологии как ключевой фактор конкурентного преимущество страны</u>	105
Абдуразакова Н.Р., самостоятельный соискатель, Ташкентский экономический и педагогический институт	
<u>Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш долзарб</u>	116
Қодиров Нажмиддин Неъматович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, тарих фанлари номзоди, доцент	
<u>«Яшил иқтисодиёт»га муқобил йўқ</u>	122
Муталиб Юдашев, и.ф.д., профессор.	
<u>Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий ривожланиш шароитларига мослашувчан институционал ва функционал механизмлари</u>	131
Исмаилов Аллаёр Рашидович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Корпоратив бошқарув» кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.	
<u>Таксономия – это конституция «зеленого» рынка</u>	138
Авджи Алина Алимовна, Ташкентский государственный экономический университет, старший преподаватель.	
<u>Renewable resources perspectives for sustainable energy in Uzbekistan</u>	144
Surayyo Kushbakova, PhD student at the university of World Economy and Diplomacy	
<u>Бозор тадқиқотлари хизматларини кўрсатувчи маркетинг тадқиқот компаниялари фаолияти</u>	151
Шаропова Нафосат Раджабовна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти. Рўзмаматов Аббос Толибжон ўғли, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти.	



<u>Рақамли иқтисодиёт шароитида тўғридан-тўғри инвестицияларни: иқтисодий ўсишга таъсири</u>	158
О.Р.Бозорова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти.	
<u>Трансформациялаш жараёнида банк фаолиятини рақамлаштиришни фаоллаштириш имкониятлари</u>	164
Камилова Ирода Хусниддиновна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети и.ф.д (PhD), доцент	
<u>Илм-маърифатга бахшида инсон</u>	171
Норбой Каримов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор.	
<u>Электрон тижоратни институционал такомиллаштириш</u>	174
Мирзажонов Мафтунахон Жаҳонгир қизи, ТДИУ «Менежмент ва маркетинг» кафедраси ўқувчиси.	
<u>Ташкилотда низолар пайдо бўлишининг назарий жиҳатлари ва уларни ҳал қилиш усуллари</u>	180
Халикова Сабохат Абдукарим кизи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Корпоратив иқтисодиёт ва менежмент кафедраси ассистенти.	
<u>Тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари: хорижий мамлакатлар мисолида</u>	187
Мирҳайдарова Моҳира Миракбар қизи, ТДИУ мустақил тадқиқотчиси	
<u>Банк фаолиятида рискларнинг ўзара алоқасини таққослаш ва идентификациялаш масаласига доир</u>	194
Баймуратова Гулирайхон Турсунбаевна, PhD	
<u>Малакали дзюдочиларни тайёрлашда буралиб ўлоктириш бўйича малака тавсиялари</u>	201
Тангриев Абдулла Товошевич, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети мустақил изланувчиси мустақил тадқиқотчи	
<u>Тадбиркорлик фаолияти учун эркин иқтисодий зоналарда қулай инвестициявий муҳит яратиш</u>	209
Абил Аманиязович Матекеев, Қорақалпоқ Давлат университети мустақил изланувчиси	
<u>Замонавий бошқарув концепцияларидан фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятини ахборот билан таъминлашда бошқарув ҳисобининг аҳамияти</u>	214
Саидакбаров Хусниддин Абдисаломович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.	
<u>Тижорат банклари фаолиятини трансформация жараёнларида рақамлаштиришнинг ўрни</u>	220
В.Кайтаров. БТОМ таянч докторанти	



<u>Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси ва унинг моҳияти</u>	229
Бутабоев Махаммаджон, Фарғона Политехника Инститuti, «Иқтисодиёт» кафедраси, и.ф.д., профессор Исманов Иброхим Набиевич, Фарғона Политехника Инститuti, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси, и.ф.д., профессор	
<u>Кичик бизнес субъектларидаги технологияларни кредитлаш амалиётида гаров таъминотини баҳолаш механизмлари</u>	242
Захидова Зулфия Халилуллаевна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.	
<u>Банклараро соғлом рақобатни шакллантиришнинг долзарб масалалари</u>	248
Тлеуов Медет Абдимуратович, Бердақ номидаги Қорақолпоқ давлат университети мустақил изланувчиси	
<u>Банкларнинг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш долзарблиги</u>	253
Пўлатов Қаҳрамон Шарифжонович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти	
<u>Агротехнологияларни молиялаштиришда банк кредитларининг роли</u>	259
Жоллыбеков Владимир Бахтиярович Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инститuti мустақил изланувчиси.	
<u>Яшил иқтисодиётни шакллантиришда хориж тажрибаси</u>	268
Кучаров Абдор Собиржонович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д. Мухторова Индира Яшарбек қизи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти	
<u>Methodological principles of using human resources in the activity of small business subjects</u>	272
Yusupov Abbosxon Aliyevich, Senior lecturer at Kokand University	
<u>Кўчмас мулк солиғини жорий этишнинг афзалликлари</u>	276
Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич, Тошкент молия институти мустақил изланувчиси	
<u>Минатақалар барқарор ривожланишида Ўзбекистоннинг экологик-иқтисодий жиҳатлари</u>	283
Адилова Марғуба Турсуналиевна, ТДИУ катта ўқитувчиси	
<u>Чакана савдо корхоналари жойлашувининг уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсири</u>	289
Иброҳимов Омонжон Ботир ўғли, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти	



<u>Харажатларни ҳисоби ва маҳсулотнинг таннархини</u>	
<u>калькуляция қилиш</u>	294
Махкамova Саида Гайратовна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси.	
Improving investment strategy for the economic development of uzbekistan	301
Махкамova Саида Гайратовна, ТДИУ катта ўқитувчиси	
<u>Тижорат банклари активларини диверсификациялаш хусусидаги</u>	
<u>илмий-назарий қарашлар</u>	311
Абдураззоқов Абдуалим Абдужаббор ўғли, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.	
<u>Она табиат манзараси</u>	319
ТРВ сайти ахбороти	
Specifics of ethnographic tourism	320
Agzamova Nargiza Gapurovna Intern-researcher at the scientific-research institute «Study of problems of cultural heritage objects and tourism development»	
<u>Янги Ўзбекистон: дастлабки манзиллар</u>	326
Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисод фанлари номзоди.	
Инвестиция фаолиятида рисклар тавсифи ва риск турлари	332
Ҳамроев Шерзод Ахтамovich, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Банк иши ва инвестициялар кафедраси доценти, и.ф.ф.д.	
<u>Қашқадарёдаги Талимаржон сув омбори ҳудуди</u>	339
ГазетаУЗ	
<u>Рақамли иқтисодиёт — янгиланаётган Ўзбекистонда</u>	
<u>IT платформалари</u>	340
Тоҳирова Рисолат Абдушукур кизи, Тошкент архитектура-қурилиш университети талабаси Илмий раҳбар: О.Ш Маманазаров, и.ф.н. проф.	
<u>Замонавий ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда</u>	
<u>миллий кадрларнинг ўрни</u>	344
Шомуродов Меҳриддин Шотўра ўғли, Ёшлар ишлари агентлиги Чилонзор тумани «Шуҳрат» маҳалласи ёшлар етакчиси	



БОШ МУҲАРРИР:

Шарипов Қўнғиротбой Аvezимбетович

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:

Каримов Норбой Ғаниевич



Электрон нашр. 340 саҳифа, 30 апрель, 2023 йил.

Тахрир ҳайъати:

Раэ Квон Чунг, Жанубий Корея, ТДИУ фахрий профессори, «Нобель» мукофоти лауреати
 Салимов Оқил Умрзоқович, Ўзбекистон фанлар академияси академиги
 Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич, Ўзбекистон фанлар академияси академиги
 Осман Местен, Туркия парламенти аъзоси, Туркия – Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари
 Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович, и.ф.д., проф., Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари
 Бузрукхонов Сарвархон Мунаввархонович, и.ф.д., ЎзР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўринбосари
 Шарипов Қўнғиротбой Аvezимбетович, т.ф.д., проф., ТДИУ ректори
 Обламуратов Нарзулла Наимович, и.ф.н., доц., ЎзР Табиат ресурслари вазирлиги ўринбосари
 Джуманиязов Мақсуд Алланазарович, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
 Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич, и.ф.д., проф., ЎзР Олий мажлиси қонунчилик палатаси депутати
 Утаев Уктам Чориевич, ЎзР Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари
 Очилов Фарход, ЎзР Бош прокуратураси иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлими бошлиғи
 Эшов Мансур Пўлатович, и.ф.д., проф., ТДИУ Академик фаолият бўйича проректори
 Худойқулов Садирдин Каримович, и.ф.д., проф., ТДИУ Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори
 Абдурахманова Гулнора Қаландаровна, и.ф.д., проф., ТДИУ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори
 Калонов Муҳиддин Бахритдинович, и.ф.д., проф., “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази директори - проректор
 Юлдашев Мақсуд Абдуллаевич, п.ф.д., проф., ТДИУ Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори
 Каримов Норбой Ғаниевич, и.ф.д., проф., ТДИУ ҳузуридаги Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази директори
 Самадов Асқаржон Нишонович, и.ф.н., ТДИУ Маркетинг кафедраси профессори
 Юлдашев Муталлиб Ибрагимович, и.ф.д., ТМИ профессори
 Ҳакимов Назар Ҳакимович, ф.ф.д. ТДИУ профессори
 Слизовский Димитрий Егорович, т.ф.д., Россия халқлар дўстлиги университети профессори
 Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич, и.ф.д., проф., Халқаро «Nordik» университети ректори
 Алиев Бекдавлат Алиевич, ф.ф.д., ТДИУ профессори
 Пўлатов Бахтиёр Алимович, т.ф.д., проф., Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти
 Ахмедов Жавоҳир Жамолович, и.ф.ф.д., «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори ўринбосари
 Исаков Жанабай Якуббаевич, и.ф.д., ТДИУ профессори
 Тоҳиров Жалолиддин Очил ўғли, т.ф.ф.д., Тошкент архитектура-қурилиш университети катта ўқитувчиси
 Камилова Ирода Хусниддиновна, и.ф.ф.д., ТДИУ доценти
 Носирова Наргиза Жамолддин кизи, и.ф.ф.д., ТДИУ доценти
 Рустамов Илҳомиддин, ф.ф.н., Фарғона давлат университети доценти

Экспертлар кенгаши:

Ҳакимов Назар Ҳакимович, ф.ф.д. ТДИУ професори, ЭК раиси
 Ҳакимов Зиёдулла Аҳмадович, и.ф.д. ТДИУ доценти
 Алимарданов Тўлқин Турдиевич, с.ф.д., профессор
 Исроиллов Баҳодир Ибрагимович, и.ф.д., ТДИУ профессори
 Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович, и.ф.ф.д., ТДИУ доценти
 Имомқулов Тўлқин Бурхонovich, и.ф.ф.д., ТДИУ доценти

Муассис: «Ma`rifat-print-media» МЧЖ

Ҳамкорларимиз: ЎзР Табиат ресурслари вазирлиги,
 ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК департаменти,
 Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

«Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журнали ЎзР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2023-йил 1-апрелдаги 336/3-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

«Янги Ўзбекистон боғи». 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами.



ДИҚҚАТ! ЭЪЛОН!

«Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журналы илмий мақолалар қабул қилади!
«Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журналы илмий мақолалар қабул қилади!
1 саҳифаси 50 минг: «word» электрон матнда 14 шрифт, 1,5 интервалда.

Мақола камида 5 бет, илмий ҳаволалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиши лозим. Сайтимизга ҳам мақолалар ва рекламалар қабул қиламиз.

Мурожаат учун @iqtisodiyot_77 телеграм саҳифамизга SMS хати ёзишингиз мумкин.

Журнал сайти: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

